

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
архитектура-қурилиш институти**

СамДАҚИ Архитектура факультети

201-Дизайн гуруҳи талабаси М.Муратованинг
“Маънавият – жамият ва шахсинг куч-қудрат
манбаи” мавзусидаги

РЕФЕРАТИ



САМАРҚАНД – 2015

МАЪНАВИЯТ – ЖАМИЯТ ВА ШАХСНИНГ КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИ

(Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас
куч” асари асосида)

Режа

1. Президент И.А.Каримовнинг “Маънавият” тушунчасига берган таърифи ва унинг инсон ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни тўғрисидаги ғоялари.
2. Маънавиятни шакллантирувчи омиллар.
4. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, уларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни.

Президент Ислом Каримов-- “Маънавият” тушунчаси ва аҳамиятини илмий истеъмолга олиб кирган назариётчи ва амалиётчи.

Президентимиз мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин нафақат юртимизда, шунингдек бутун МДХ мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, «Маънавият» тушунчасини илмий истеъмолга киритди ва унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини илмий асослади

И.А.Каримов мамлакатда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни маънавий соҳада олиб бориладиган ислохотлар билан узвий равишда олиб бориш зарурлигини илмий асослади

Президентимиз томонидан «Маънавият»га берилган таъриф тўла қонли илмий таъриф бўлиб, мазкур ҳодисанинг барча қирраларини ўзида қамраб олган:

“Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан”¹ Мазкур таърифда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлайдиган катта куч эканлиги асослаб берилган.

Ислом Каримов «Маънавият»га таъриф беришда, унинг жамият тараққиётига ўтказадиган таъсирига алоҳида эътибор қаратади ва уни ривожлантириш заруриятини ўз асарларида ҳар доим таъкидлайди.

Президентимиз маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: **“Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни – қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик- маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”²** - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарсас эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президентимиз **“Маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши**

¹ Қаранг; Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 17-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалари суҳбатлар) Тошкент. Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак”³ лигини таъкидлайди.

Инсоният тарихи маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.

“Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин.⁴”

Президент Ислом Каримов Миллий ғоянинг миллий маънавият юксалишидаги роли тўғрисида. Миллий ғоя-миллий маънавиятнинг муҳим таркибий қисми.

Миллий ғурур инсонни ўз миллати, бугуни, эртанги кун ва истиқболи олдидаги масъулиятини англатади. Миллий ғурур ҳар бир миллатнинг ўзини-ўзи англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфиятдир. Маънавиятни англашда миллий руҳиятнинг ўрни ҳам каттадир. Миллий руҳият – миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслаклари ҳамда кайфиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуидир. Шу маънода ҳам маънавиятнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у ёшларда миллий ғурур ва миллий руҳиятни шакллантирадиган маънавий манбадир.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалари суҳбатлар). Тошкент. Ўзбекистон, 1993, 79-бет.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 18-29.

И.А. Каримов айтганидек, маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун ... ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак.⁵ Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб шаклланади. Унинг қарор топишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, маънавият қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- 1) маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар;
- 2) халқ оғзаки ижоди;
- 3) муқаддас диний қадриятларимиз;
- 4) илмий ижод кашфиётлари;
- 5) оила;
- 6) маҳалла;
- 7) таълим-тарбия тизими.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1993. - Б. 74.

Моддий ва маънавий ҳаёт ҳақидаги қараш ва фикрларни умумлаштириб Президентимиз инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади,-дейди.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш – онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир.

Президентимиз маънавиятни юксалтириш масаласини ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишининг муҳим шарти сифатида белгилаб берган. У «Бозор муносабатларига ўтиш ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнгилга келган ишни қилаберишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз»⁶, - деб кўрсатган эди.

«Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу»,⁷ -деб таъкидлайди Президентимиз. Олдин

⁶ Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.Т., Ўзбекистон,1995, 141-бет.

⁷ Каримов И.А Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 47-бет.

иқтисодий масалаларни, вазифаларни ҳал қилиб, сўнг маънавият билан шуғулланиш лозим дегувчи баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда.

Мустақиллик йиллари иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро муносаббат уйғун тарзда ривожланиб келаётганлиги мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда.